

Иқтисод ва молия

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ

www.itm.uz

НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

Экономика и финансы



ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКИ АКАДЕМИИ НАУК
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

№ 3, 2013

- ИҚТИСОДИЙ НАЗАРИЯ ВА МАКРОИҚТИСОДИЁТ /
ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ТЕОРИЯ И МАКРОЭКОНОМИКА
- ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЁТ ВА ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР /
МЕЖДУНАРОДНАЯ ЭКОНОМИКА И ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ОТНОШЕНИЯ
- ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ /
МОДЕРНИЗАЦИЯ ЭКОНОМИКИ
- МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ/
РЕГИОНАЛЬНАЯ ЭКОНОМИКА
- БАНКЛАР ВА МОЛИЯ БОЗОРЛАРИ/
БАНКИ И ФИНАНСОВЫЕ РЫНКИ
- МЕХНАТ БОЗОРИ / РЫНОК ТРУДА
- ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА ҒАЗНАЧИЛИК ТИЗИМИ /
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ БЮДЖЕТ И КАЗНАЧЕЙСКАЯ СИСТЕМА

- иқтисодиётнинг мафкурадан холи булиши - прагматик иқтисодий сиёсат; - давлатнинг баш ислоҳотчи вазифасини ўз зиммасига олиши;
- қонун устуворлигини таъминлаш; - кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш; - ислоҳотларни боскичма-боскич ва вазменилик билан амалга ошириш;

- дейдегология - прагматичность экономической политики; - возложение роли главного реформатора на государство;
- обеспечение верховенства закона; - проведение сильной социальной политики; - поэтапность и постепенность в реализации реформ

МУНДАРИЖА СОДЕРЖАНИЕ

ИҚТИСОДИЙ НАЗАРИЯ ВА МАКРОИҚТИСОДИЁТ / ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ТЕОРИЯ И МАКРОЭКОНОМИКА

2 Дурманов Б. Социально-экономическая природа рынка медицинских услуг

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ / МОДЕРНИЗАЦИЯ ЭКОНОМИКИ

9 Севликянц С. Влияния институциональной среды на процессы трансфера технологий

14 Султанова Л.Ш. Модели и каналы распространения передовой технологии

23 Досмухамедова Р.А. Формирование инвестиционной стратегии промышленных предприятий в условиях модернизации экономики

29 Ходжаева К.А. Мотивационный механизм инновационной деятельности

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА ҒАЗНАЧИЛИК ТИЗИМИ / ГОСУДАРСТВЕННЫЙ БЮДЖЕТ И КАЗНАЧЕЙСКАЯ СИСТЕМА

37 Омонова Ф., Зикриллаева Н. Парламентская форма контроля Государственного бюджета страны

ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ / РЕАЛЬНЫЙ СЕКТОР ЭКОНОМИКИ

43 Навруз-зода З.Б. Туристик дестинация назариясида турли ёндашувларнинг қиёсий таҳлили

50 Имомов Р.Н. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича хориж тажрибаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари

МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА / РЫНОК ТРУДА И СОЦИАЛЬНАЯ ЗАЩИТА

54 Рустамов Н.И., Тўраева З.С. Унумдорлик ва иш ҳақи ўртасидаги боғлиқлик аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим омили сифатида

МИЛЛИЙ ҲИСОБ ТИЗИМИ, ЭКОНОМЕТРИКА ВА СТАТИСТИКА / СИСТЕМА НАЦИОНАЛЬНЫХ СЧЕТОВ, ЭКОНОМЕТРИКА И СТАТИСТИКА

58 Бозоров Б.М. Моделирование экономических систем функционально-дифференциальными уравнениями

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ / БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ И АУДИТ

63 Ризаев Н.К. Тижорат банкларида молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар (МХХС)га мувофиқлаштириш

69 Абдураҳимов К. Бюджет ташкилотларида сафар харажатлари бухгалтерия ҳисобини юритишнинг айрим хусусиятлари

МАҶОЛАЛАРГА АННОТАЦИЯЛАР / АННОТАЦИИ К СТАТЬЯМ

Рустамов Н.И., Тўраева З.С. – Бухоро юқори технологиялар мұхандислик-техника институты илмий тадқиқотчилари

УНУМДОРЛИК ВА ИШ ҲАҚИ ЎРТАСИДАГИ БОҒЛИҚЛИК - АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИННИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Аҳоли турмуш даражасини оширишни иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, жумладан саноат корхоналарининг самарадорлиги ошириш билан боғлаб ўрганишда меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи тўлаш ўртасидаги мутаносибликка эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Меҳнат унумдорлиги - корхонадаги ишловчилар меҳнатининг самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткич, иш ҳақи эса аҳоли даромадларининг асоси, аҳоли турмуш даражасини белгилаб берувчи омил ҳисобланади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсади аҳоли турмуш даражасини ошириш ҳисобланади. Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганлариdek: "Ҳеч кимга сир эмаски, ҳаёт даражаси биринчи навбатда, аҳолининг даромадлари миқдори билан белгиланади. Ўтган 2012 йилда бу кўрсаткич юртимизда 17,5 фоизга ўсди, энг кам иш ҳақи 26,5 фоизга ошди. Умуман олганда, 2000 йил билан таққослаганда, реал даромад аҳоли жон бошига 8,6 баробар кўпайди. Ҳисоб-китобларга кўра, ўртача иш ҳақи истеъмол саватчasi баҳосидан 4 баробардан зиёд ошди. 2013 йилда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдорини ўртача 23 фоиздан кам бўлмаган даражада ошириш, 2013 йилда ва кейинги икки йилда аҳоли реал даромадларини камида бир ярим баробар кўпайтириш вазифаси қўйилмоқда"¹.

Саноат корхоналаридаги меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи ўртасидаги боғлиқлик тўғрисидаги назариялар турли илмий мактаблар номоёндалари томонидан ўрганилган.² Иқтисодчи олимларнинг таъкидлашларича "... ҳар ким ўз меҳнатига яраша рағбатлантирилиши зарур". Т.Эдисон бошлигидаги бир гурӯҳ иқтисодчи олимлар меҳнатга ҳақ тўлаш меҳнатнинг ақлий ёки ижодий фаолият билан боғлиқлигига асослаши лозим, деган фикрни илгари сурадилар.

А.Маршалл меҳнатга ҳақ тўлаш – меҳнатнинг чекланган унумдорлиги принципи асосида бўлиши лозим, деб ҳисоблайди. У байзи қийин меҳнат турлари учун иш ҳақи тўлашда ишлаб чиқариш натижаларини иnobatga олиб бўлмаслигини айтади.

Иш ҳақи тўлашнинг меҳнат унумдорлиги билан боғлиқлигини асослаш мақсадида турли қўшимча тўловлар, устама, мукофот ва бошқа тўловлар тўлашни жорий қилиш тўғрисида кўплаб фикрлар билдирилган. Иш

¹ Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор

йўналишларига бағишиланган Вазирлар Мажлисидаги маърузаси. "Халқ сўзи". 2013 йил, 19 январь.

² Генкин Б.М. Экономика и социология труда. - М.: "Норма", 2007. с. 284.

ҳақи тўлашнинг меҳнат унумдорлигига асосланисини кўрсатиб бериш мақсадида иш ҳақини доимий ва ўзгарувчан қисмларга ажратиб, улар ўртасидаги нисбатни ифодаловчи модель ишлаб чиқилган. Бу моделга кўра иш ҳақининг доимий қисми меҳнатнинг маълум натижаси учун белгиланган бўлиб, қўшимча иш ҳақи меҳнат унумдорлигини оширганлик учун тўланади.

Меҳнатунумдорлиги ва иш ҳақи ўртасидаги боғлиқлик иқтисодий ва ижтимоий жараёнларга ҳам таъсир кўрсатиши аниқланган. Бир томондан меҳнат унумдорлигини оширмай туриб иш ҳақини кўпайтириб бўлмайди, бошқа томондан иш ҳақи миқдори меҳнат унумдорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Бу биринчи навбатда ишчилар ишдан кейин фақат ўзларини қайта тиклабгина самарали меҳнат қила олишига асосланади.

Ривожланган хорижий давлатлардаги йирик саноат корхоналарида унумдорлик меъёрларига асосланиб иш ҳақини ҳисоблаш баъзи тармоқлар учун самарали бўлиши мумкинлиги илмий жиҳатдан асослаб берилган. Йирик корхоналар бир нечта бўлимлардан иборат бўлиб, ҳар бир бўлимда маҳсулотга янги қўшимча қиймат қўшилади. Ҳар бир бўлимнинг умумий натижага қўшган улушига мос келувчи меҳнат харажатлари миқдорини белгилаш ва унинг меҳнат унумдорлиги меъёрларига мос келиши лозимлиги кўрстиб берилган. У қўйидаги формула орқали аниқланган¹:

$$r = \frac{D - Z}{Z}$$

бу ерда:

r – корхонанинг меҳнат унумдорлиги;

D – корхона бўлимлари ишчилари томонидан маҳсулотга қўшилган қиймат;

Z – корхонанинг иш ҳақи харажатлари.

Меҳнат унумдорлиги меъёрлари ҳар бир бўлимнинг иш шароитларини таҳлил қилиш асосида белгиланиши лозим. Иш ҳақини ҳисоблашда меҳнат унумдорлиги меъёrlарини белгилаш корхонадаги иш ҳақи харажатларини тартибга солади. Бунда корхона умумий маҳсулотига қиймат қўшувчи ҳар

бир бўлимдаги ишловчиларига турли хил иш ҳақи тўланади. Бундай ҳолатда меҳнат унумдорлиги кўрсаткичининг ўрнига иш ҳақининг кўшилган қийматдаги улуши кўрсаткичини қўллаш лозимлиги хорижий адабиётларда кўрсатиб берилган.

Саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини оширишда меҳнат унумдорлигининг ўсиб бориш қонуни мухим омил ҳисобланади. Меҳнатунумдорлигининг ошиши маълум вақт мобайнида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдорини оширишни ва унинг харажатларини камайтиришни таъминлайди. Саноат корхоналарида меҳнат унумдорлиги ошиши меҳнатнинг чекланган маҳсулдорлиги камайиб бориш қонунига боғлиқ ҳолда рўй беради. Саноат тармоқларида турли мулкчилик шаклидаги корхоналарни ташкил этишда, тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришда меҳнатнинг чекланган маҳсулдорлиги камайиб бориш қонуни албатта инобатга олинниши лозим.

Саноат корхоналаридаги унумдорлик ва иш ҳақи ўртасидаги боғлиқлик қўйидаги ифодаланади. Саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қиймат кўриниши ёки нарх – маҳсулот таннархи ва фойданинг йиғиндисидан иборат. Маҳсулот таннархи таркибиға хомашё ва материал харажатлари, асосий фондлар амортизацияси, иш ҳақи ва бошқа харажатлар киради. Фойда ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди, заҳира фонди, моддий рағбатлантириш фонди ва двидендерларга тақсимланади. Булар аҳоли даромадларини ташкил этади. Саноат корхоналари самарадорлиги ва аҳоли турмуш даражаси ўртасидаги боғлиқлик 1-расмда келтирилган.

Саноат корхоналаридаги унумдорлик ва иш ҳақи ўртасидаги боғлиқликни услубий жиҳатдан асослашда қўйидаги формулалардан фойдаланилди.

Саноат корхоналарининг самарадорлиги (R) аниқланди:

$$R = \frac{P}{Q};$$


бу ерда:

P – фойда;

Q – маҳсулот ҳажми.

1 Генкин Б.М. Организация, нормирование и оплата труда на промышленных предприятиях. Учебник для вузов.

1-расм.

Саноат корхоналари самарадорлиги ва аҳоли турмуш даражаси ўртасидаги боғлиқлик¹.

Саноат корхоналаридаги меҳнат унумдорлиги (EL) аниқланди:

$$E_L = \frac{Q}{L};$$

бу ерда:

L – ишловчилар сони.

Саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражаси ўзгариши коэффициенти (КСТД) қўйидагича ифодаланди:

$$K_{СТД} = \frac{E_L}{W};$$

бу ерда:

W - иш ҳақи.

Бу формулалар саноат корхоналарида унумдорлик ва иш ҳақи ўртасидаги боғлиқликни кўрсатиб беради.

Самарали фаолият юритадиган иқтисодиётда иш ҳақи ўсиши меҳнат унумдорлиги ўсишига мос бўлиши керак. Охирги 100 йилда ривожланган давлатларда унумдорликнинг ўсиши ўртача 2,25 фоизни, унга иқтисод ва молия / экономика и финансы № 3, 2013

1 Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

мос равиша даромадларнинг ўсиши таҳминан 2 фоизни ташкил этган. Унумдорлик маҳсулот учун ресурслар харажати нормаси камайишини ҳам ифодалайди. Ресурслар харажати нормаси камайиши билан унумдорлик ошади. Агар янги технологиялар кўлланилса ва меҳнат, энергия, материал харажатлари нормаси ўзгармаса, бу техник ва ташкилий ўзгаришдан самара олинмайди. Унумдорлик ўсиши доим ресурслар харажати нормаси камайишига мос келиши керак. Меҳнат нормалари учун бу ҳолат шуни билдирадики, оқилона ташкил этилган ишлаб чиқаришда нормаларни бажариш коэффициенти ўсиб бормаслиги керак. Бу коэффициент доим барқарор бўлиши лозим. Самарали ишлайдиган корхоналарда иш ҳақининг ўсиши унумдорлик ўсишига ва ресурслар харажати нормаси камайишига мос келиши керак.

Унумдорлик ўсиши ишлаб чиқариш нормалари ва ресурс харажатлари камайиши натижасида рўй беради. Ресурслар харажати камайишини келтириб чиқарувчи асосий омил техник тараққиёт ҳисобланади, у корхонада доимий янги маҳсулотларини ўзлаштириш, маҳсулотлар сифатини ошириш, ишлаб чиқариш технологияларини тақомиллаштириш, ходимлар малакасини ошириш, уларнинг фаоллигини рағбатлантириш орқали таъминланади.

Ўзбекистонда иш ҳақи тўлаш бўйича оқилона сиёsat олиб борилмоқда. Иш ҳақи тўлашга доир қарорларни қабул қилишда

аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласига жиддий эътибор қаратиляпти. Инфляция даражасидан келиб чиқиб вақт-вақти билан энг кам иш ҳақининг миқдори ошириб борилмоқда. Лекин шундай бўлсада, саноат корхоналарида иш ҳақи тўлашда меҳнат унумдорлиги асосий мезон бўлиши керак деб ҳисоблаймиз.

Саноат корхоналарида иш ҳақи тўлаш ва меҳнат унумдорлиги ўртасидаги боғлиқликни таъминлаш бўйича қўйидаги тадбирларни амалга оширишни таклиф этамиз:

- корхоналарда меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи тўлаш ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи кўрсаткичларни ҳисоблаб боришини йўлга қўйиш ва бу орқали меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи ўртасидаги барқарор боғлиқлик таъминланиши керак;

- давлат статистика органлари томонидан унумдорлик ва иш ҳақи ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи ҳисбот шакли ишлаб чиқилиши ва корхоналар бу ҳисбот шаклини топшириб бориши лозим;

- саноат корхоналарида унумдорликни оширганлик учун иш ҳақини ошириб бориш тизимини тақомиллаштириш зарур.

Бу каби тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда саноат корхоналари санарадорлиги ошишига ва ишчиларнинг иш ҳақи асосли равиша тўланишига олиб келади ҳамда саноат корхоналарининг иқтисодий санарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражаси ошиб боради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. "Халқ сўзи". 2013 йил, 19 январь.
2. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. Т.: "Меҳнат". 2009.
3. Генкин Б.М. Экономика и социология труда. - М.: "Норма", 2007.
4. Генкин Б.М. Организация, нормирование и оплата труда на промышленных предприятиях. Учебник для вузов - М.: "Норма". 2005.
5. Ортиқов А. ва бошқалар. Саноат иқтисодиёти. - Т.: ТДИУ, 2004.
6. Политика доходов и заработной платы. Учебник / И.М. Алиев, Н.А. Горелов. - Р н/Д.: "Феникс", 2008.